

# Единый портал корпоративной информации

## Проспекты эмиссий

"Trastbank" XAB

Банклар учун қимматли қоғозларни чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш

<b>1</b>	<b>ЭМИТЕНТИНИГ НОМИ:</b>	
	Тўлиқ	"Trastbank" xususiy aksiyadorlik banki
	Қисқартирилган:	"Trastbank" XAB
	Биржа тикери номи:	TRSB
<b>2</b>	<b>БОҒЛАНИШ</b>	
	Жойлашган ери:	г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.Навои, 7
	Почта манзили:	г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.Навои, 7
	Электрон почта манзили:	info@trustbank.uz (mailto:info@trustbank.uz)
	Расмий веб-сайт:	www.trustbank.uz (http://www.trustbank.uz)

<b>3</b>	<b>Ташкилот хақида қўшимча маълумот</b>	
	Уполномоченный государственный регистрирующий орган выпуска ценных бумаг	Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
	Регистрационный номер	PU124POO22R4
	Дата государственной регистрации выпуска ценных бумаг	2019 йил 13 сентябрь

<p>Основные направления деятельности и виды производимой продукции (услуг)</p>	<p>Асосий фаолият тури банк фаолияти ҳисобланади. Банк қўйидаги асосий хизмат турларини кўрсатади: - юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; - тўловларни амалга ошириш; - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бошқа банк хизматлар.</p>
<p>Наличие у эмитента независимой рейтинговой оценки. Привести его короткое описание</p>	<p>“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан 2019 йилнинг январь ойида 2018 йил якунлари бўйича рейтинг мониторинги натижаларига кўра, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг кредит рейтингини миллий шкала бўйича «Барқарор» прогнози билан “uzA+” даражасида тасдиқлади. Банкнинг кредитга лаёқатлилиқ рейтингини рейтинг агентлиги томонидан ҳар чоракда тасдиқланади. “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги Осиё кредит рейтинг агентлиги ассоциацияси аъзоси. “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, А.Ходжаев кўчаси, 1 уй. 2019 йил 17 январда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг узоқ муддатли дефолт рейтингини (РДЭ) хорижий ва миллий валюта бўйича “Барқарор” прогнози билан “B” даражасида тасдиқлади. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган 44-сонли банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.</p>

<p>4</p>	<p><b>Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш</b></p>	<p>тип акций выпуска</p>	<p>хужжатсиз, эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;</p>
----------	--	--------------------------	--

количество акций выпуска	65000000
номинальная стоимость акции выпуска, сум	1000
общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум	65000000000

права, предоставляемые каждой акцией выпуска

Чиқарилаётган ҳар бир акция унинг эгасига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 26-27-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради. Банкнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга: - тегишли банк акциядорларининг реестрига киритилиш; - инвестиция воситачисидаги ДЕПО ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш; - банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш; - банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш; - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш; - банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш; - олган дивидендини эркин тасарруф этиш; - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш; - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш; - банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш; - банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш; - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банк устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

<p>способ размещения акции, а также в случае закрытой подписки указывается круг лиц, среди которых осуществляется размещение</p>	<p>Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда очик обуна орқали жойлаштирилади.</p>
<p>дата начала размещения акций</p>	<p>акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунига, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш ушбу кунлардан кейин келадиган биринчи иш кунига бошланади.</p>
<p>дата окончания размещения акций</p>	<p>мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.</p>

порядок размещения акции

Акцияларни жойлаштиришнинг тартиби – қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банк уставининг 57-59-бандларига асосан банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома белгиланган тартибда эълон қилинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар расмийлаштирилади. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очиқ обуна орқали сони чекланмаган инвесторлар орасида “Тошкент” Республика фонд биржасининг савдо майдончалари орқали жойлаштирилади. “Тошкент” Республика фонд биржасида акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби – банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2019 йил 12 август ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Банк акцияларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, акцияларни бозор нархи бўйича сотиб олишни таклиф этади. Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларнинг жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акциялар сонини аниқлаш тартиби,

цена (цены) или порядок определения цены размещения акций данного выпуска

Қўшимча чиқарилаётган акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган баҳода жойлаштирилади. Акцияларнинг бозор баҳоси амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасига асосан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд пулни банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари орқали, шу жумладан пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобвараққа қабул қилинади. Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августдаги 773-17-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномага (Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январдаги 1885-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали – Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади. “Тошкент” Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.



орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата его принятия

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
Кенгашининг 2019 йил 12 августдаги 119-  
сонли йиғилиш баённома қарори.

любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе банка, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций

Банк уставида акциялар эмиссиясига чеклашлар ўрнатилмаган. Акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан банк уставида қуйидаги чеклашлар белгиланган: Банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар чиқарилаётган акцияларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар. Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банк акцияларининг 5 фоизидан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини хабардор қилинишини, 20 фоизидан ортиғини олиш эса, олдиндан унинг розилигини олишни талаб қилади. Марказий банкнинг розилиги олинган улуш миқдорини ошириш учун Марказий банкдан такроран олдиндан розилик олиниши лозим. Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт: а) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (шакллантирилган банк устав капиталининг 5 фоизигача бўлган акциялар пакетини сотиб олиш бундан мустасно); б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслар. Қуйидаги шахслар банк акциядорлари бўла олмайди: а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар; б) оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари.

<p>налогообложение получаемого инвестором дохода по приобретенным акциям</p>	<p>Акциядорлар томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадлар амалдаги қонунчиликка асосан солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларга тегишли бўлган акциялардан дивиденд тарзида олинаётган даромад солиқ тўлашдан озод этилади.</p>
<p>цель выпуска акций</p>	<p>Банк Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш.</p>
<p>Условия предстоящего выпуска облигаций в обращение</p>	<p>Мазкур эмиссия рисоласида облигацияларни муомалага чиқариш кўзда тутилмаган.</p>

В случае оплаты ценных бумаг не денежными средствами указать перечень имущества, которыми могут оплачиваться ценные бумаги

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасига асосан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд пулни банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари орқали, шу жумладан пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобвараққа қабул қилинади. Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августдаги 773-17-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномага (Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январдаги 1885-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали – Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади. “Тошкент” Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Доля ценных бумаг выпуска, при не размещении которой выпуск считается несостоявшимся (такая доля не может быть определена в размере меньше, чем 60 процентов от общего количества ценных бумаг выпуска)

Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади: «Трастбанк» ХАБ томонидан ушбу ҳодиса тўғрисида расмий маълумот (Қимматли қўғозлар чиқарилишини амалга олмаган деб топиш муҳим факти -28) қонунчиликда ўрнатилган тартибда «Трастбанк» ХАБ расмий веб-сайтида ([www.trustbank.uz](http://www.trustbank.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги махсус веб-сайти негизидаги корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ошқор этилади. Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган санадан бошлаб, акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкидаги ёки бошқа тижорат банкларидаги ҳисобварақларга 10 (ўн) кун давомида пул маблағини кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилади.

Порядок возврата средств, полученных эмитентом в качестве оплаты за ценные бумаги, на случай признания выпуска ценных бумаг несостоявшимся

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасига асосан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд пулни банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари орқали, шу жумладан пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобвараққа қабул қилинади. Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августдаги 773-17-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномага (Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январдаги 1885-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали – Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади. “Тошкент” Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Порядок хранения и учета прав на ценные бумаги, в том числе, полное фирменное наименование, а также данные о лицензии на осуществление соответствующей деятельности

Акцияларни сақлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Хужжатсиз қимматли қоғозлар бўйича эгаллик ҳуқуқи ҳисобини юритиш, хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади. Реестрни шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Марказий рўйхатдан ўтказувчи ҳақида маълумот: Номи – Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси; Жойлашган жойи ва почта манзили – Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй; Телефон – (71) 267-37-42, факс–(71) 267-36-94; Лицензия – мавжуд эмас; Ташкилий-ҳуқуқий шакли – Давлат унитар корхонаси. Акциялар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишни амалга оширадиган инвестиция воситачиси ҳақида маълумот: Номи – “DALAL STANDARD” масъулияти чекланган жамияти; Жойлашган жойи – Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй; Почта манзили – Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй; Телефон – (71) 268-04-01; Лицензия – Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2018 йил 26 февралда берилган 1312-рақамли лицензия; Лицензиянинг амал қилиш муддати- чекланмаган. Ташкилий-ҳуқуқий шакли – масъулияти чекланган жамият.

<p>Приводятся основные данные, касающиеся порядка учета и перехода прав собственности на ценные бумаги</p>	<p>Банк акцияларига бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг Депо ҳисобварағи бўйича белгиланган тартибда тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва Депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Инвестиция воситачиси ўз мижозларининг ҳисобварақларида унинг Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидаги ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акцияларига бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.</p>
<p>Данные об организациях, принимающих участие в размещении ценных бумаг (андеррайтерах)</p>	<p>Мазкур чиқарилишдаги банк акцияларини жойлаштиришда андеррайтерлар хизматидан фойдаланиш кўзда тутилмаган.</p>



<p>Информация о порядке и месте ознакомления с копиями и оригинальным экземпляром решения о выпуске ценных бумаг и проспектом эмиссии ценных бумаг. Информация о печатных изданиях, где будут размещены усл</p>	<p>Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибларда “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>), Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги махсус веб-сайти негизидаги корпоратив ахборот ягона ахборот порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>) ва «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.trustbank.uz">www.trustbank.uz</a>) ошкор қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Бош офисида танишиш мумкин. Акциядорлар ва потенциал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун Банк бошқарувига ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва танишиш учун акциядорлар ва инвесторларга белгиланган тартибда тақдим этилади.</p>
<p>Основные места продажи ценных бумаг</p>	<p>Мазкур чиқарилишдаги акцияларни потенциал инвесторлар “Тошкент” Республика фонд биржасидан куйидаги манзил орқали: сотиб олишлари мумкин Ўзбекистон Республикаси, 100170 Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй.</p>

<p>Информация об организаторе торгов, в листинг которого планируется включение данного выпуска ценных бумаг</p>	<p>Мазкур чиқарилишни “Тошкент” Республика фонд биржасининг биржа котировка варағига киритиш режалаштирилган. “Тошкент” Республика фонд биржасининг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107 уй, тел: 267-18-71.</p>
---	--

Источник: <http://openinfo.uz/uz/emissions/458/>

Дата: 06.12.2020